

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТА ВА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ЙЎНАЛИШИ

# КУРС ИШИ

МАВЗУ: ҲОЗИРГИ ДАВРДА АРАБ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ  
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ

Бажарди: I курс магистранти  
Йўлдошева Ч

Текширди: М.М.Муҳаммадсиддиков

Тошкент 2013

## МУНДАРИЖА

<b>I. КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
1.2. Хозирги жамиятда сиёсат ва дин.....	6
<b>II. Араб мусулмон давлатларининг халқаро майдондаги ўрни..</b>	<b>12</b>
2.1. Саудия Арабистоннинг халқаро майдондаги ўрни.....	18
2.2. Жазоирнинг халқаро майдондаги ўрни.....	20
2.3. Иорданиянинг халқаро майдондаги ўрни.....	23
2.4. Ироқнинг халқаро майдондаги ўрни.....	27
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>29</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>30</b>

## КИРИШ

Диний эътиқод инсоният тарихининг барча босқичларида маънавий-маданий ҳаётнинг муҳим бўлаги сифатида барча мамлакатлар ва жамиятларнинг маънавий-маданий ва хатто, иқтисодий тараққиётига бевосита ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатиб келган. Шу боис инсоннинг динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини эътироф этган ҳолда сиёсат, дин ва мафқуранинг ўзаро алоқадорлигини, ҳозирги жамиятда диннинг ўрни ва ролини, диннинг сиёсийлашуви ва сиёсатнинг динийлашувидаги асосий тенденцияларни, сиёсий мафқура моҳияти ва ҳозирги замоннинг асосий мафқуравий оқимларини ҳамда Ўзбекистоннинг миллий мафқурасида дин ва сиёсатнинг ўзаро муносабати масалалари таҳлили ўта долзарбдир<sup>1</sup>.

Дин ўз табиатига кўра ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига нисбатан ишончнинг ҳосиласидир. „Дин“ атамаси араб тилидан таржимада „ишонч“, „ишонмоқ“ деган маъноларни англатади.

Дин инсониятнинг дунёни билиш шакли, орзу истаклари, ҳис-туйғулари, эътиқоди ва ғайритабиий кучларга ишончининг ифодаси сифатида қадимги даврларда вужудга келган. Диний онгнинг ибтидосида инсоният тафаккурида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик каби ахлоқий категорияларнинг илк тарихий элементлари шаклланган. Ижтимоий тараққиёт давомида дин инсонларнинг яшаш ва фикрлаш тарзи, қадимий маданият ва маънавият шаклларида бирига айланган. Шу билан бирга ижтимоий онг шаклларида бири сифатида дин жамият сиёсий тизимининг фаолиятида муҳим ўринни ҳам эгаллаган.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси давомида сиёсат ва дин ўртасида мураккаб, лекин барқарор алоқадорлик вужудга келган. Сиёсат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг узоқ йиллик тарихи сиёсатнинг динийлашув ёки аксинча, диннинг сиёсийлашув даврлари кўп марта рўй

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –429 б.

берганлигидан далолат беради. Бундай жараёнлар муайян маънода хозирги замонда, хусусан Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Шарқда эса IX—XII асрларда ўз мавқеини янада мустахкамлашта муваффақ бўлган ислом дини сиёсатни ўзига тобе этибгина қолмай, у билан уйғунлашиб ҳам кетдики, бу хол бу ердаги сиёсий режимларни заифлаштириш у ёқда турсин, аксинча, уларнинг сезиларли даражада мустахкамланишига, жамиятнинг жипслашувига, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берди ва шу билан бирга Шарқ Уйғонишининг тамал тоши қўйилишига имкон тугдирди. Ислом вужудга келган даврда дин сиёсатдан, ҳуқуқдан, фалсафадан ажралмаган холда эди. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида сиёсат билан дин ўртасидаги ўзаро боғлиқлик давом этаверди. Баъзан бу алоқадорлик кучайди, баъзан бир қадар сусайди. Аммо, диннинг сиёсатга таъсири ҳеч қачон батамом йўқолмади. Ислом фақатгина дин бўлиб қолмасдан, балки яратувчилик ҳаракати, тараққиёт таълимоти, шунингдек, жамиятни жипслаштириш воситаси бўлиб келди.

Бирок, адолат нуқтаи назаридан тан олиш керакки, исломнинг мусулмон Шарқи сиёсий ҳаётида кейинчалик ҳам яккахокимликни сақлаб қолишга интилиши бу ерда илмий-техник тараққиётга тўсиқ бўлиб қолди, унинг жамият сиёсий ва маънавий ҳаётидаги босими давом этди. (Масалан, Имом Ғаззолийнинг Форобий ва Ибн Синолар дунёвий фалсафасини кескин рад этиши ёки мутаассиб уламолар фатвоси билан Улуғбекнинг ўз ўғли Абдуллатиф томонидан қатл этилиши ва х.к.)

Лекин баъзи муаллифлар минтақамиз тарихида ислом ва давлат ўртасида кечган муносабатларни бир қадар бошқача таҳлил этиш тарафдоридир. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё жамияти ҳаётини ташкил этишда диннинг, айнан эса — исломнинг роли доимо муҳим бўлиб қолганига қарамай, у ҳеч қачон ҳукмрон бўлмаган. Марказий Осиё Уйғониш даври ва ундан кейинги замонларда жамиятни бошқариш масалаларида дунёвийликка

берганлигидан далолат беради. Бундай жараёнлар муайян маънода хозирги замонда, хусусан Марказий Осиё минтақасидаги давлатларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Шарқда эса IX—XII асрларда ўз мавқеини янада мустахкамлашта муваффақ бўлган ислом дини сиёсатни ўзига тобе этибгина қолмай, у билан уйғунлашиб ҳам кетдики, бу хол бу ердаги сиёсий режимларни заифлаштириш у ёқда турсин, аксинча, уларнинг сезиларли даражада мустахкамланишига, жамиятнинг жипслашувига, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берди ва шу билан бирга Шарқ Уйғонишининг тамал тоши қўйилишига имкон тугдирди. Ислом вужудга келган даврда дин сиёсатдан, ҳуқуқдан, фалсафадан ажралмаган холда эди. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида сиёсат билан дин ўртасидаги ўзаро боғлиқлик давом этаверди. Баъзан бу алоқадорлик кучайди, баъзан бир қадар сусайди. Аммо, диннинг сиёсатга таъсири ҳеч қачон батамом йўқолмади. Ислом фақатгина дин бўлиб қолмасдан, балки яратувчилик ҳаракати, тараққиёт таълимоти, шунингдек, жамиятни жипслаштириш воситаси бўлиб келди.

Бирок, адолат нуқтаи назаридан тан олиш керакки, исломнинг мусулмон Шарқи сиёсий ҳаётида кейинчалик ҳам яккахокимликни сақлаб қолишга интилиши бу ерда илмий-техник тараққиётга тўсиқ бўлиб қолди, унинг жамият сиёсий ва маънавий ҳаётидаги босими давом этди. (Масалан, Имом Ғаззолийнинг Форобий ва Ибн Синолар дунёвий фалсафасини кескин рад этиши ёки мутаассиб уламолар фатвоси билан Улуғбекнинг ўз ўгли Абдуллатиф томонидан қатл этилиши ва х.к.)

Лекин баъзи муаллифлар минтақамиз тарихида ислом ва давлат ўртасида кечган муносабатларни бир қадар бошқача таҳлил этиш тарафдоридир. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё жамияти ҳаётини ташкил этишда диннинг, айнан эса — исломнинг роли доимо муҳим бўлиб қолганига қарамай, у ҳеч қачон ҳукмрон бўлмаган. Марказий Осиё Уйғониш даври ва ундан кейинги замонларда жамиятни бошқариш масалаларида дунёвийликка

мойил сиёсий кучларнинг ўрни ва ахамияти мунтазам мустахкамланиб борган ҳамда диний доиралар таъсир фаолияти соҳаси соф маънавий-ахлоқий табиатга эга масалаларгача торайиб борган<sup>2</sup>.

Демак, давлат ва жамият ҳаётида тараққиёт талабларига тўла жавоб бера олмаётган исломий мафкурага муқобил дунёвий мафкурага эҳтиёж аста-секинлик билан шакллана бошлаган. Бундай дунёвий мафкура сифатида кейинроқ жаҳидчиликнинг майдонга чиққани фикримизни исботлайди. Худди шу даврда Марказий Осиёнинг Россия томонидан забт этилиши исломнинг ўрни ва ролининг жиддий ўзгаришига ҳам олиб келди: истилочилар исломни ижтимоий-сиёсий ҳаётдан имкон қадар эҳтиёткорлик билан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Бунда биринчидан, мусулмон рухонийларни инкор этиб, уларни ижтимоий ҳаётдан аста-секин сиқиб чиқариш, иккинчидан уларнинг моддий-иқтисодий заминини емиришни кўзлаган вақф мулкларини қисқартиришга қаратилган тадбирлардан иборат усуллардан фойдаланилди.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –432 б.

Маърифат ва миллий мустақиллик байроғи остида XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган жаҳидчилик мафкураси эса “илмий социализм” туғдирган ленинча фундаментализм ва унинг бевосита натижаси бўлган Сталин режими зуғумлари остида ўз такомиллига етмаган ҳолда қолиб кетди. Жамият ҳаётида диннинг ҳар қандай ролини камайтиришга интилиш шўролар даврининг динга нисбатан давлат сиёсатидаги асосий хусусият бўлиб қолди. Бу сиёсат жангари атеистик усуллар ишлатиш, рухонийлар ва диний муассасаларга қарши кенг кўламли ҳужумлар уюштириш, диннинг ижобий салоҳиятини бутунлай инкор этиш йўли билан амалга оширилди. Исломнинг тарбиявий салоҳиятидан фойдаланишга даъват этган туркистонлик жаҳидларнинг уринишлари ҳам рад этилди. Рухонийлар ва

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –432 б.

диний муассасаларга тазйиқ ўтказиш узлуксиз ошиб борди: атеистик жамият куриш билан боғлиқ, хомхаёл тобора қатъийлик билан хаётий воқелик сифатида тақдим этила бошланди. Аммо, табиийки, бундай сиёсат асрлар оша шаклланган мусулмон жамияти хаётидан динни таг-томири билан узиб ташлашни таъминлай олмади. Шунга карамасдан уламоларнинг мутлак кўпчилиги жисмонан махв этилди ва мусулмон диний муассасаларининг анчагина қисми вайрон этилди. Лекин бундан ислом омили жамият хаётидан йўқолиб кетмади, балки унинг ўрни ўзгарди, холос, у ниҳоятда ўзига хос шакл касб эта бошлади. Жумладан, диннинг яширин фаолият олиб боришга ўтиши бундай сиёсатнинг махсули бўлдики, натижада у хокимиятга қарши муҳолиф кучга айланди<sup>3</sup>. 1980 йилларнинг охирларидан бошлаб, собиқ СССРнинг парчаланиш жараёни батамом равшан бўлгач радикал кайфиятдаги баъзи арбоблар миллатнинг маънавий раҳнамолигига ошкора даъво қилиб чиқдилар. Масалан, 1990 йилда Тожикистондаги Ислом уйғониш партияси шу мамлакатдаги диний бошқарма раҳбарияти билан тил бириктириб, демократия никоби остида хокимият учун курашга отланди. Натижада республикада фуқаролар уруши бошланиб, ўн минглаб бегунох, одамларнинг қони тўкилди, бир миллат икки қарама-қарши қисмга ажралиб кетди.

### **1.1. Ҳозирги жамиятда сиёсат ва дин**

**Ҳозирги жамиятда диннинг ўрни.** Маълумки, барча жаҳон динларида динни замонавийлаштириш жараёнлари узоқ тарихга эга. Бу хусусиятдан бизнинг давр ва ислом дини ҳам мустасно эмас. Айни вақтда исломни замонавийлаштириш жараёнига қарама-қарши равишда уни илк асосларига қайтаришга интилиш ҳам кузатилмоқда. Бу фундаментализмдир, унинг вакиллари эса ақидапарастлардир. Улар фундаментализмни асосан икки йўл

---

<sup>3</sup> Торкунов А.В. Современные Международные отношения. – М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000.стр 20.

билан: биринчидан, тинч йўл билан — яъни, масалан, исломнинг фундаментал асосларини кенг тарғиб қилиш, уни ҳозирги ижтимоий ҳаётга, инсоннинг рухий, диний қарашларига сингдириш, диннинг фундаментал асосларига қайтишнинг афзалликларини исбот қилиш йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилишмоқда; иккинчидан, фундаментализм тарафдорларининг бир қисми куч ишлатиш йўли, яъни зўравонлик, қон тўкиш, хатто, қуролли жанглар йўли билан ўз мақсадларини амалга оширишга уринмоқдалар. Бу уринишлар ёрдамида баъзан улар вақтинча бўлса-да ўз сиёсий мақсадларига — ҳокимиятни эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар. (“Толибон” террорчи ташкилотининг Афғонистонда 1997-2002 йилларда сиёсий ҳокимият тепасида бўлганлиги бунга далил бўла олади.)

Араб Шарқи мамлакатларида, масалан, Жазоир, Миср ва Суданда фаолият кўрсатаётган “Ихвони муслимин”, Жанубий Ливандаги “Хизбуллох”, Фаластиндаги “Хамас” аксилсроил гуруҳи, “Хизб-ут-тахрир ал-Исломи” каби экстремистик ташкилотлар шариат нормаларини жамиятнинг барча соҳадаги ҳаётини тартибга солувчи восита сифатида тан олиншига, қолаверса, барча мусулмон мамлакатларини бирлаштирган ягона теократик давлат — халифаликни ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Қисқа қилиб айтганда диний ақидапарастларнинг талабига кўра, диний арбоблар давлатни бошқаришлари ва сиёсат билан шуғулланишлари керак<sup>4</sup>.

Шу ўринда мусулмон мамлакатларида диний ақидапарастликнинг кучайишига сабабчи бўлаётган омиллар ҳақида тўхталсак: биринчидан, Ғарбнинг мусулмон мамлакатларига тазйиқ кўрсатишга асосланган сиёсатининг кучайиши; иккинчидан, кўпгина мусулмон мамлакатларида сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва иқтисодий аҳволнинг оғирлашуви; учинчидан, мавжуд тараққиёт даражасидан қониқмаслик натижасида ўзининг тарихий, маданий-диний илдизларига қайтишга интилиш; тўртинчидан, Араб дунёси, мусулмон мамлакатларида узоқ вақтдан бери хал бўлмаётган турли

---

<sup>4</sup> Ёвқочев Ш.А. “Ислом ва ҳозирги замон”. – Т.:ТИУ. 2010., 15 б



минтақавий, диний, худудий муаммоларнинг хал этилишига ишончсизликнинг кучайиши.

Аслида, фундаментализм фақат исломгагина эмас, балки бошқа динларга ҳам хос хусусиятдир. Шу боис, айрим мутахассислар таъкидлаганидек, „ислом фундаментализми“ ислом динининг тобора сиёсийлашиб бораётганини кўрсатиш мақсадида сиёсатчилар, Фарб исломшунослари томонидан ўйлаб топилган атамадир. „Ислом фундаментализми“ деган сиёсий тушунча Америка исломшунослари томонидан 1979 йилда, яъни Эрон ислом инқилобининг галабаси натижасида АҚШнинг Эрондаги сиёсий ва иқтисодий мавқеи кескин пасайгандан кейин киритилди. Бироқ, айрим ақидапараст кучларнинг ўз сиёсий муддаоларига эришиш учун кўпроқ экстремизм ва терроризмдан восита сифатида фойдаланилаётганлиги ташвишли холдир.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бир қанча исломий халқаро ташкилотлар халқаро ҳаётга, ундаги иқтисодий ва сиёсий масалаларни хал этишга жиддий ижобий таъсир ҳам кўрсатмоқда. Масалан, 1969 йилда ташкил топган “Ислом конференцияси ташкилоти” га 50 дан зиёд давлат аъзо бўлиб, унинг асосий мақсади мусулмон давлатлари ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий бирдамликни мустаҳкамлаш, давлатларнинг мустақиллиги, миллий ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг иқтисодий тараққиётини таъминлашдан иборат. Ислом тараққиёт банки бу ташкилотнинг ёрдамчи идорасидир.

Шунингдек, 1926 йилда ташкил топган қароргоҳи эса Покистоннинг Карачи шаҳрида жойлашган “Умумжаҳон ислом конгресси”, 1962 йилда Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида ташкил топган “Умумжаҳон ислом лигаси” каби ташкилотлар халқаро ҳаётнинг барча муҳим масалаларини тинч йўл билан хал этиш тарафдоридир<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Елистратова Т.А. Причина победы радикального течения в египетской революции 23 июля 1952 г. // Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика). (отв.ред. Б.Г.Сейранян, А.О.Филоник). –М., ИИИ и БВ и ИВРАН, 1997.-352 с.

Дунёвий давлатда сиёсат ва дин муносабатининг ҳуқуқий меъёрлари. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган давлатимизнинг динга бўлган муносабати нималар билан белгиланади, деган саволга жавоб беришдан аввал “дунёвийлик” деган тушунчанинг ўзи нимани англатишини аниқлаштириш лозим.

Дунёвийлик диний эътиқоднинг ижтимоий-маданий ҳаёт ва қолаверса, умуммиллий тараққиётдаги ахамиятини инкор этадими? Агар инкор этмаса, диннинг ҳаётий воқеликдаги ролини у қандай тушунади? Ана шу саволларга ойдинлик киритсаккина мустақил Ўзбекистонда дунёвий жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг, шунингдек сиёсат, дин ва мафкура ўртасидаги алоқанинг, муносабатларнинг туб моҳияти равшанлашади. Фикримизча, тараққиётнинг дунёвий йўли собиқ коммунистик мафкура “қолиплари”га тушмаслиги, яъни унинг дахрийлик ҳамда динийлик эмаслигига боғлиқ. Бундан дунёвийлик моҳиятан, зикр этилган икки қарама-қарши кутбнинг, яъни динийлик ва дахрийликнинг оралиғида жойлашган маънавий-маданий ҳолат деган хулосага келиш мумкин. Чунки, у динийликни ҳам, дахрийликни ҳам инкор этмайди, уларнинг ҳар иккаласини объектив ижтимоий ҳодиса деб эътироф этади.

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, дунёвийлик тушунчаси плюрализм, яъни хурфикрлиликка асосланади. Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлардаги динга бўлган муносабат демократик плюрализм, яъни хурфикрлилик тамойилига асослангани туфайли уларда дин ҳаётдаги ижтимоий-маданий ва маънавий-руҳий муҳит ранг-баранглигини таъминловчи хилма-хил тарихий кадриятлар силсиласидаги тенг ҳуқуқли бўғин сифатида қабул қилинган.

Дунёнинг кўпчилик давлатлари, хусусан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, дин дунёвий давлат тузуми билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Диннинг жамиятимиздаги ўрни энг аввало, унинг конституциявий мақоми билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ва уларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Айни пайтда миллий ва диний рухдаги сиёсий партия ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши ҳамда фаолияти таққиланган.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун-моҳиятини белгиловчи қатор тамойилларга қўйидагилар киради:

- диндорларнинг диний туйғуларини хурмат қилиш;
- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни кўзлаган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи юқоридаги мезон ва тамойиллардан икки асосий хулосани чиқариш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистонда дин маданий-мафкуравий омиллар умумий силсиласига кирувчи барча миллий кадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли кадрият сифатида тан олинади.

Иккинчидан, соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқари ҳар қандай ғаразли мақсадга эришиш йўлида диний омиллардан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Экстремизм ва фундаментализмга қарши курашнинг асосий йўналиши ислом динига эмас, балки исломнинг муқаддас ақидаларини ниқоб қилиб олган диний экстремизм ва терроризмга қарши қаратилиши лозим. Бироқ, айрим хорижий мамлакатлар матбуотидаги мақолаларда ислом дини, сиёсий ислом, терроризм ва диний экстремизм бир бири билан қориштириб юборилмоқда. Хатто айрим давлат арбоблари (масалан, АҚШ Президенти Ж. Буш) терроризм билан бевосита ботиқ бўлган сиёсий исломга ҳам беихтиёр ислом динининг таркибий қисми, деб қарашмоқда. Вахоланки, терроризм ва ислом экстремизми ислом дини билан фақат конфессионал жихатдан боғлиқдир<sup>6</sup>.

Ислом динини агрессивликда, террорчиликда айблаш жахон миқёсида ислом нуфузининг, ислом мавқеининг ошиб боришидан талвасага тушиш, глобал иқтисодий, сиёсий маданий ва демографик жараёнларда гегемонлигини тарихан йўқотаётган постиндустриал жамиятларнинг сиёсий кучлари учун хосдир.

Хуллас, умумэътироф этилган демократия ва плюрализм тамойилларига асосланган давлат ва дин ўртасидаги янгича муносабатларни фуқароларимиз онгига сингдириб бориш, ҳар қандай диний-экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

---

<sup>6</sup> Милославская Т.Р. Деятельность “Братъев-мусульман” в странах Востока // Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока.- М.: “Наука”, 1982.-238 с.-С.8.

## II. Араб мусулмон давлатларининг халқаро майдондаги ўрни

### 2.1. Саудия Арабистоннинг халқаро майдондаги ўрни

Саудия Арабистони энг йирик давлатлардан биридир. Унинг худудининг 90 фоизини қумлик, саҳро қоплаган, бу саҳро қаърида катта нефт захиралари мавжуд.

1925-йилда **Ибн Сауд** номи билан машҳур бўлган, бедуинларнинг аслзода саудийлар қабиласидан келиб чиққан, ваҳҳобийлик ғоялари тарафдори амир Абдул Азиз ибн Абдул Раҳмон мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари — Макка ва Мадинани ўз ичига олган Ҳижоз давлатини егаллади ва араб халқларининг руҳоний йўлбошчисига айланди.

Ислом ўзининг ваҳҳобийлик шакли, "чин ислом" меъёрларига қайтиш ва жўн равишда ҳаммани тенглаштиришга даъвати билан мамлакатда ягона оммавий мафкурага айланди, арабларнинг ягона давлатда ягона миллатга бирлашиши еса асосий сиёсий шиор сифатида майдонга келди. Ибн Сауд руҳоний йўлбошчи— ваҳ-ҳобийлар билан ҳамкорликда бедуинларни ташкил етишнинг янги шаклини яратди, уларни ўтроқ ҳаёт тарзига ўтказди ва **ихвонларга** (биродарлик) бирлаштирди. Ихвонлар ўзаро уруш ва хундан (қонга қон олиш) воз кечиб, Ибн Саудга садоқатлари ҳақи-да жамоавий қасам ичишади, унинг ҳокимиятини қон-қардошлик ва қабилавий мажбуриятлардан юқори қўйишади. Ихвонларда "кофирлар", яъни христианлар, яҳудийлар, шунингдек ваҳҳобийларнинг диний ва ахлоқий тамойилларини рад етган мусулмон-ларга нисбатан муросасизлик руҳи сингдирилган еди. Улар Ибн Сауднинг Арабистонни бирлаштириш ва ислоҳотларни ўтказиш курашида зарбдор куч бўлиб қолди. 20-йил-ларда уларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Ибн Сауд Арабистон яриморолида мутлақ монархия шаклидаги ягона давлат— Саудия Арабистонини барпо етди.

Мамлакатда ягона солиқ жорий етилди, карвон йўлларида ўғирлик ва қа-роқчилик тугатилди. Шариат қонунларига кўра суд амалга оширилди.

Мамлакатнинг иқтисодий кўтарилиши 1933-йилдан бошланди пайтда “Стандарт Ойл компани оф Калифорния” номли Америка компанияси Форс кўлтиғи соҳилидаги катта ҳудудда нефт излаш ва қидириб топишга концессия (рухсат) олди. 1935-йилда компания бу жойдан нефт топди. Ўша йили “Нефт қазиб чиқариш бўйича араб-америка компанияси” (АРАМКО) ташкил етилди, 1939-йилдан дунёдаги энг бой ва сердаромад нефт конларини саноат асосида ишлаб чиқиш бошланди. Саудия Арабистони жаҳоннинг глобаллаштириш жараёнига қўшилди.

*АРАМКО* — араб-америка нефт компанияси (ингл. Арабиан-Америсан Оил Сомпанй) — 1933-йилда АҚСХнинг энг йирик нефт компаниялари томонидан Саудия Арабистони нефт конларини ўзлаштириш учун ташкил етитган. 1973-йилдан Саудия Арабисфони ҳукумати унинг аксияларини аста-секин сотиб ола бошлади ва 1980-йилдан АРАМКОнинг ягона егаси бўлди.

50-йилларда мамлакат нефт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг дунё марказларидан бирига айланди. Нефт конлари мавжуд раёнларда замонавий саноат ишлаб чиқарилиши барпо етилди, янги инфратузулма ривожланди, йўллар ётқизилди, шаҳарлар ўсди.

Америка нефт компаниялари даромадларидан олинган ажратмалар ҳисобига ҳу-кумат 1945 йилда—5 миллион, 1948 йилда—50 миллион, 1952 йилда—212 миллион доллар фойда олди. Бироқ даромадларнинг кўп қисми энг аввало қирол оиласи еҳтиёж-ларига сарфланди. Бу ҳол Ибн Сауднинг 1953—1962-йилларда ҳукмронлик қилган меросхўри қирол Сауд даврида ҳам ўзгармади<sup>7</sup>.

Монархия чет ел қарзларига ботди, чунки ко<sup>ф</sup>пинча харажатлар нефт сотиш-дан келган даромадлардан ортиб кетарди. Давлат мансабдорлари ойлаб маош олол-мас, порахўрлик гуллаб-яшнаган еди. Мамлакатда кулдорлик сақланиб қолганди.

---

<sup>7</sup> Елистратова Т.А. Причина победы радикального течения в египетской революции 23 июля 1952 г. // Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика). (отв.ред. Б.Г.Сейранян, А.О.Филоник). —М., ИИИ и БВ и ИВРАН, 1997.-352 с.

*Ибн Сауд* (1880—1953) Саудия Арабистонининг 1932—1953-йиллардаги қироли. Арабистонни бирлаштиришни "соф ислом" ғояларига кайтиш шиори остида оииб борди. Ягона Саудия Арабистони асосчиси, монархия бошқариш шакли ва шариат қонунлари устуворлигини ўрнатди.

Бироқ 1962-йилнинг сентябрида қўшни Шимолий Яманда бўлиб ўтган монархияга қарши инқилоб қирол Саудга ҳам енг жиддий огоҳлантириш бўлди. У йерда ағдарилган монархия йерлари ва саройлари мусодара етилиб, барча фуқаро-ларнинг тенглиги еълон қилинди. 1962-йилнинг 26-сентябрида Яман Араб Республикаси ташкил етилди. Президент Абдулла ас-Салалом имзолагаҳ баёнотида Арабистон я-риморолида барча қирол ва амирлар ҳокимияти ағдарилиши зарурлиги ва бу йерда ягона Арабистон Республикаси ташкил етилиши ҳақида гапирилди. Миср ва Сурия Яман инқилобини қўллаб-қувватлади. Бу юртга замонавий қўшинни шаклланти-риш ва янги иқтисодиётни барпо етиш учун 6 минг совет мутахассислари йетиб келди.

Саудийлар инқилобнинг кенгайиши ва унинг ғояларининг тарқалишига йўл қўймасликка қарор қилишди. Улар Шимолий Яман ҳудудида қўзғолон уюшти-ришди. Бу йерда бошланиб кетган фуқаролар уруши 1970-йилнинг апрелигача давом етди.

Инқилоб рўй беришидан қўрқув ҳисси қирол Саудни мамлакатда модерни-зациялаш ва либерализациялашни бошлашга мажбур етди. 1962-йилнинг октабрида у либерал-демократик қарашлари билан ажралиб турувчи акаси Фейсални мамлакатнинг кенг ваколатли бош вазири етиб тайинлади, Фейсал ислоҳотларни АҚСХ ёрдамида амалга оширишга киришди. Фейсалнинг ўн йилга молжалланган модернизациялаш дастури мамлакатда айна пайтда монархияни мустаҳккмлаш билан биргаликда кучли иқтисодий базани яратишга йўналтирилган еди.

Сауд ислоҳотларни амалга ошириш йўлида асосий тўсиқ еди. 1964-йилнинг 1 ноябрида Сауд руҳоний мусулмон йўлбошчилари босими остида тахтдан воз кечди ва Фейсал Саудия Арабистонининг янги қироли деб еълон қилинди.

Фейсал миллий нефт саноатини барпо етишга интила борди. АРАМКО билан бир қаторда "Петрамин" давлат нефт компаниясини ташкил етди. У Америка ком-паниялари бошқарувчиларидан бош бошқармани Даҳранга (Саудия Арабистони) кўчиришга, 1982-йилда 51 фоиз нефт концессиялари иштирокини давлат ихтиёрига бериш ва 1999-йилда компанияни давлат мулкчилигига тўлиқ ўтказишга розилик олишга еришди.

Миллий капитални ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб етиш учун

енг қулай шароитлар яратилди. 70-йиллар ўрталарида Саудия Арабистонида 10га яқин миллий банклар мавжуд бўлиб, улар орасида енг йириги жаҳон "Мусулмон ривож-ланиш банки" еди. Маълумки, Қуръон рибо, яъни кредитлар бўйича фоиз олишни меҳ-нациз даромад сифатида ман етади. Фейсал Қуръоннинг бу муҳим қондасига ҳам йўл топди. Банклар қарз фоизларини тўламайдиган ва олмайдиган, фақат воситачилик (комиссион) ҳақини оладиган бўлди.

Фейсал бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва фуқароларни дори-дармон билан таъминлаган ҳолда уларни хорижда даволаш дастурини амалга оширди. Мамлакатда бепул ўрта таълим жорий етилди.

Қирол Фейсал фаолиятининг гултожи деб **1973-йилдаги** компенсация евази-га АРАМКОнинг национализация қилинишини кўрсатиш мумкин, бироқ барча раҳбарлик лавозимлари, имтиёз ва фойдалар америкаликлар ўзларида қолган еди. Қирол Фейсал амалга оширган модернизация мамлакатни мустаҳкамлади. Бироқ бундай ишлар унинг ўз умрини кафолатлай олмади. **1975-йил 25-мартда** у ўз саройида жия-ни томонидан ўлдирилди.

Бироқ глобаллашув билан чамбарчас боғлиқ бўлган модернизация жараёни тўхтаб қолмади. Фейсалдан кейин ҳокимиятга келган қирол Ҳамд (1975—1982) ва қирол Фаҳд (1982-йилдан) бу ишларни давом еттиришди.

Нефт Саудия Арабистони иқтисодиётининг асоси ҳисобланади. У 92 фоиз давлат даромадларини, 98 фоиз экспорт қийматини ва 90 фоиз мамлакат



ялпи миллий маҳсулотини беради. 1995-йилда Саудия Арабистони қарийб 50 миллиард долларлик нефтни четга чиқарди ва 30 миллиард долларлик товарларни, асосан машиналар, озиқ-овқат, тўқимачилик, уй-рўзғор моллари, кимё маҳсулотлари, кийим-кечакларни келтирди. Мамлакат иктисодиёти нефтдан оладиган барча фойдаларни ўзлаштира олмайди. Шу боис, уларнинг бир қисми хорижий банк ва корхоналарга киритилмоқда. Бу, Саудия Арабистони жаҳон иктисодиёти ривожланишида муҳим рол ўйнайди, дегани-дир. Саудия Арабистони ташқи сиёсати асосан АҚСХ билан ҳамкорликка асосланди.

1973-йилдан бошлаб Саудия Арабистони ҳар йили ўз бюджетининг 10 фоизим 54 мусулмон давлатларига молиявий ёрдамга ажратадики, мамлакат бу маблағларга қўшимча ёрдам билан бирга дунёда ислом мавқеини мустаҳкамлаш учун диний адабиётлар экспортини ташкил қилади.

Араб-Исроил можаросида Саудия Арабистони икки-ёқлама позицияга ега. У фаластинликларнинг Исроилга қарши курашида моддий ёрдам кўрсатади, шунингдек, Яқин Шарқ можароси қатнашчилари — Миср, Сурия ва Иорданияга ҳам ёрдам беради, айти пайтда АҚСХ билан араб-исроил можаросини ҳал етишда ҳамкорлик қилади, америка дипломатларини воситачи сифатида жалб етишга араб давлатлари розилигини олишга еришган. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси 1978-йилнинг сентяб-рида АҚСХ президенти Ж.Картер воситачилигида Исроил ва Миср ўртасида еришилган ҳамда 1979-йилнинг 26-мартда Вашингтонда имзоланган Кемп-девид битимида яққол кўринди<sup>8</sup>.

Кемп-девид битими Яқин Шарқ можаросида бирор-бир ижобий силжишларга олиб келмади, бироқ, у АҚСХнинг араб-исроил муносабатлари ривожланишида ҳал қилув-чи рол ўйнади. Бундан ташқари, битимдан кейин

---

<sup>8</sup> Милославская Т.Р. Деятельность “Братьев-мусульман” в странах Востока // Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока. - М.: “Наука”, 1982.-238 с.-С.8.

юз берган воқеалар шуни кўр-сатдики, мазкур битим араб давлатларини "мўтадиллар", яъни Исроил билан битимга бо-ришга тайёрлар (Саудия Арабистони, Миср, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари) ва "мурасасизлар"га (Сурия, Ироқ, Алжир, Ливия) парчаланишига олиб келди. Бу пар-чаланиш 1990-йилда Ироққа қарши "қўлтиқдаги уруш"да "мўтадиллар" АҚСХ то-монида фаол иштирок етганида жуда яққол намоён бўлди. Миср Америка қўшин-ларига ёрдамга 36 минг аскар юборди, Саудия Арабистони ўз худудига америка қўшинларини жойлаштирди, Иордания ва Амирликлар сукут сақлади.

1996-йил бошида қирол Фахд валиаҳд шаҳзода Абдуллага ҳокимиятни топширди. Нефтга жаҳон нархлари пасайиши туфайли уни сотишдан олинадиган даро-мадлар 40% га тушиб кетди. Мамлакатда иқтисодий тушкунлик бошланди. 2001-йил 11-сентябр воқеаларидан сўнг Саудия Арабистони ва АҚСХ ўртасидаги муноса-батлар ёмонлашди. 15 террорчи Саудия Арабистони фуқаролари бўлиб чиқди. Олий диний арбоблар ислом экстремизми ва терроризмни қўллаб-қувватладилар. Мамлакат икки гуруҳга — АҚСХ йўналишидаги тарафдорлар ва уларнинг рақибларига бўлиниб кетди, улар ўртасида кескин кураш давом етмоқда.

## 2.2. Жазоирнинг халқаро майдондаги ўрни

**Умумий маълумотлар:**

**Худуди:** 2 381 741 км<sup>2</sup>

**Аҳолиси:** 31 624 минг киши (2001й.)

**Пойтахти:** Жазоир (ал-Жазоир) (1500 минг киши)

**Йирик шаҳарлари:** Оран (650минг киши), Константина (480 минг киши), Аннаба (100 минг киши).

**Давлат тили:** араб тили.

**Расмий тили:** араб, бербер, француз.

**ЯММ:** саноатда 37,7% (хусусан нефть ва газ соҳасида 17,7%), қишлоқ хўжалигида 10%.

**Экспорт:** нефть, табиий газ, тери, ҳурмо, табака ва сабзавот.

**Импорт:** машинасозлик маҳсулотлари, транспорт қурилмалари, асосий саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий пул бирлиги:** Жазоир динари

**Мустақиллик куни:** 5 июль (1962 йил.)

**Миллий байрамлари:** 19 июнь Революция куни, 5 июль Мустақиллик куни, 1 ноябрь Революция куни, 1 февраль Эвакуация куни.

**Чегара:** ғарбда - Марокаш, жанубда - Нигер, Мали ва Мавритания билан, шарқда эса - Тунис ва Ливия билан чегарадош. Шимолий қисми Ўрта Ер денгизи қирғоқларига тўғри келади.

**Ҳарбий салоҳият:** Миллий халқ армияси таркибининг умумий сони 105 минг кишини ташкил этади (1993). Шундан 6,7 минг киши ҳарбий-денгиз кучлари ва 10 минг киши ҳарбий-ҳаво кучларида хизмат қилади. Шунингдек, 200 нафар ҳарбий ва ёрдамчи авиация техникаси ҳам мавжуд.

**Этник таркиби:** Жазоирлик араблар-83%, берберлар-16%, европаликлар-1%.

**Дини:** Ислом (суннийлик мазҳаби)

**Давлат раҳбари:** Президент.

**Ҳукумат раҳбари:** Бош вазир.

**Бошқарув шакли:** республика.

**Сиёсий тузуми:** Ҳозирда Жазоир сиёсий тизими социалистик ёндашувга асосланган бир партиявийлик тизимидан ислом кадриятлари ва ғарб конституционализмини ўзаро мувофиқлаштирувчи кўппартиявий тизимга ўтмоқда.

**Ижроия ҳокимияти:** Ижроия ҳокимияти Президент бошчилигидаги Ҳукумат томонидан амалга оширилади.

**Қонуничилик органлари:** Икки палатали парламент: Қуйи палата - Миллий халқ мажлиси (МХМ) ва юқори палата – Миллий Кенгаш (МК)

**Партиявий тизими:** Миллий озодлик fronti (МОФ) партияси, Миллий-демократик бирдамлик партияси, «Ан-Наҳда» партияси, берберларнинг социалистик кучлар Frontи, Меҳнаткашлар партияси, Ислом кутқариш fronti.

**Халқаро ҳамкорлик даражаси:** Жазоир – БМТ, ХФЖ, АБТ, АДЛ ва ОПЕК аъзоси.

**Давлат тузуми:**

**Сиёсий тизим:** Ҳозирда Жазоир сиёсий тизими социалистик ёндашувга асосланган бир партиявийлик тизимидан ислом кадриятлари ва ғарб конституционализмини ўзаро мувофиқлаштирувчи кўшпартиявий тизимга ўтмоқда.

**Президент:** Давлат раҳбари ўз фуқаролари томонидан 5 йил муддатга сайланиб, фақат бир маротаба қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

**Ижроия ҳокимияти:** Ижроия ҳокимияти Ҳукумат томонидан амалга оширилади. Вазирлар Кенгаши Президент томонидан тайинланувчи бош вазир ва вазирлардан иборат. Вазирлар Кенгашига Президент раислик қилади.

**Қонун чиқарувчи ҳокимияти:** Миллий халқ мажлиси.

**Суд ҳокимияти:** 1996 йилги Конституцияга кўра Жазоир суд ҳокимияти мустақил бўлиб, унга мувофиқ, маъмурият фаолиятини назорат қилувчи Давлат кенгаши ва Олий суд фаолияти йўлга қўйилган. Олий суд таркибида турли тоифадаги (фуқаролик ва тижорат, ижтимоий ва меҳнат, жиноий) ишларни ўрганишга қаратилган судлар фаолият юритади. Шунингдек, ҳарбий ва давлат ҳавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар Ҳарбий суд томонидан ҳал этилади. Жазоирнинг махсус Конституцион назорат органи Конституцион кенгаш саналиб, унинг аъзолари сони 6 йил муддатга тайинланувчи 9 кишидан иборат. Судьялар ижроия ҳокимияти томонидан тайинланиб, Олий магистратура кенгаши олдида масъул ҳисобланади.

**Сиёсий партиялар:** Миллий озодлик fronti (МОФ) партияси, Миллий-демократик бирдамлик партияси, «Ан-Нахда» партияси, берберакнинг социалистик кучлар Frontи, Меҳнаткашлар партияси, Ислом куткариш fronti.

Сиёсий етакчилар (1970й.): 1965 йил – Бумедьен, 1978 йил – Шадли Бенжедид, 1994 йил – Ламин Зеруал, 1999 йил – Абдулазиз Бутефлик.

**Сиёсий тарихи:** 1962 йилнинг 3 июль куни Жазоир ўз мустиқиллигини қўлга киритади. 1963 йилда янги Конституция қабул қилинади. Унга кўра Жазоир давлати республика мақомини олади. 1969 йилда Жазоир ОПЕК аъзолигини қўлга киритади. 1986 йилда Ливия билан илик муносабатлар йўлга қўйилади, 1988 йилда эса Марокаш билан Сахрои Кабир масаласида келиб чиқаётган зиддиятларга барҳам берилади. 1989 йилда янги Конституция қабул қилинади.

**Иқтисод:** Жазоир ривожланган тоғ-кон саноатига эга бўлган аграр давлат бўлиб, унда нефть, газ, рангли металллар ва темир рудаси қазиб олинади. Мева, сабзавот ва буғдой маҳсулотлари ҳамда узумчилик ва хурмо етиштириш йўлга қўйилган. Туя, қўй, эчки ва йирик шохли йилки етиштирилади. Балиқчилик ҳам ривожланган.

**Савдо ҳамкорлари:** Франция, Германия, Италия, Нидерландия ва АҚШ.

**Ташқи сиёсат:** Абдулазиз Бутефликнинг президентлик даврида АҚШ ва РФ билан ўзаро муносабатларнинг қизгин ривожланаётганлигини кўриш мумкин. Бунга 2008 йилнинг 7 июль куни давлат раҳбарлари ўртасида ўтказилган учрашув мисолида ҳам кўриш мумкин. Жазоир ва Марокаш ўртасидаги муносабатлар хануз заифлигича қолмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни қуролланиш пойгасининг авж олганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Жазоир Малининг шимолида содир бўлаётган беқарор вазиятдан хавотирда. Бутефлик томонидан юритилаётган сиёсат аввало ХХР, Бразилия ва Жанубий Африка давлатлари билан муносабатларни

ривожлантиришга қаратилган. Сиёсий ва савдо муносабатларини йўлга қўйишда эса, ЕИ ва АҚШга алоҳида эътибор берилмоқда.

### 2.3. Иорданиянинг халқаро майдондаги ўрни

**Умумий маълумотлар:**

**Худуди:** 89 206 км<sup>2</sup>, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи – 5879 км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси:** 5 200 минг киши.

**Пойтахти:** Амман (1000 минг киши).

**Йирик шаҳарлари:** Аз-Зарка, Ирбид, Ал-Ақба,

**Давлат тили:** араб тили.

**Расмий тили:** Сурия лаҳжасидаги араб тили, инглиз тили.

**ЯММ:** ишлаб чиқариш саноатида 26%, қайта ишловчи саноатда 14%, қишлоқ хўжалигида 8%.

**Экспорт:** фосфат, поташ, ўғит, фармацевтика саноати маҳсулотлари, цемент, озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавот.

**Импорт:** оғир машинасозлик маҳсулотлари, транспорт қурилмалари, минерат ёқилғи, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, бирламчи саноат маҳсулотлари.

**Миллий пул бирлиги:** Иордания динари

**Мустақиллик куни:** 25 март (май)

**Миллий байрамлари:** 15 январь Дарахт куни, 22 март Араб Давлатлари Лигаси куни, 25 март Мустақиллик куни, 6 сентябрь Қирол Хусайннинг тахтга келиш куни, 14 ноябрь Қирол Хусайннинг таваллуд топган куни.

**Чегара:** Иордания Жануби-Ғарбий Осиё, Яқин Шарқда жойлашган бўлиб, шимолда Сурия билан, шимоли-шарқда Ироқ билан, шарқ ва жанубда Саудия Арабистони билан, ғарбда Исроил билан чегарадош.

**Ҳарбий салоҳият:** Иорданиянинг ҳарбий кучлари Қурукликдаги қўшин, Ҳарбий-хаво кучлари ва Қирғоқ мудофаасидан иборат бўлиб,

шартнома асосида шакллантирилади. 2001 йилда ҳарбий ҳаражатлар миқдори ЯММнинг 8,6 % ни, яъни 760 млн.долл.ни ташкил этган. Ҳарбий кучларнинг умумий сони 103880 кишини ташкил этиб, шундан 90000 киши – Курукликдаги кўшинни, 13400 нафари ХХКни ва 480 таси ХДКни, шунингдек, 25 минг нафари захирадаги кўшинни ташкил этади. Иордания 100га яқин самолёт, 1180та танк ва 25 минг кишилик полицияга эга. Армия профессионал тайёргарлиги билан ажралиб туради.

**Этник таркиби:** араблар (аҳолининг катта қисми, қурдлар, арманлар, черкеслар, чеченлар, туркманлар, греклар.

**Дини:** Мусулмонлар (суннийлик мазҳаби вакиллари) – 80%, христианлар – 8%.

**Давлат раҳбари:** Подшо .

**Ҳукумат раҳбари:** Бош вазир.

**Бошқарув шакли:** конституцион монархия.

**Сиёсий тузуми:** Монархия Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг авлодларидан бўлган Ҳошмийлар сулоласи томонидан бошқарилади. Монарх қонунчилик ва ижроия ҳокимиятини амалга оширишда катта ваколатларга эга.

**Ижроия ҳокимияти:** Ижроия ҳокимияти подшога тегишли бўлиб, бунда у бош вазир Али Абдул Рахгеб бошчилигидаги вазирлар кенгашига таянади.

**Қонунчилик органлари:** Қонунчилик ҳокимияти подшо ва Миллий мажлисга тегишли. Миллий мажлис 2 палатали парламентдар иборат: Сенат ва депутатлар палатаси. Сенат аъзолари сони подшо томонидан тайинланувчи 40 кишидан иборат бўлиб, уларнинг таркиби ҳар икки йилда янгиланади. Депутатлар палатаси аъзоларининг сони 80 кишидан иборат бўлиб, уларга ҳар 4 йилда умумхалқ сайловлар йўли билан овоз берилади.

**Партиявий тизими:** Миллий конституцион партия, Арабларнинг Ер партияси, Иорданиянинг халқ бирлиги демократик партияси, «Ал-Умма» («Миллат») партияси, Ислом ҳаракати Фронти, Арабларнинг социалистик

уйғониш партияси (Баас), Иордания демократик партияси (Хашд), Панарабизм демократик партияси, Иордания тараққиёти партияси, Иордания коммунистик партияси, Конституцион фронт.

**Халқаро ҳамкорлик даражаси:** Иордания – БМТ, ХВЖ ва АДЛга аъзо.

**Қонун чиқарувчи ҳокимияти:** Миллий мажлис

**Сиёсий етакчилар (1970й.):** Хусайн бин Талял (1952-1999), амалдаги давлат раҳбари Абдуллоҳ бин Хусайн II.

**Сўнгги сайловлар:** 2007 йилда ўтказилган парламент сайловларида аввалгилардан фарқли равишда аёллар учун – 6та, турли миллат вакилларига – 9та ва христиан дини вакиллари учун – 9та ўрин ажратилди.

**Сиёсий тарихи:** I жаҳон урушидан сўнг то 1946 йилга қадар Иордания Буюк Британиянинг бошқаруви остида бўлади. 1946 йилда Иорданияда Ҳошимийлар подшолиги ташкил топади. Иордания 1948-49 ва 1967 йилги Араб-Исроил урушларида иштирок этган. 1967 йилги уруш натижасида подшолик- Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидан маҳрум бўлади. 1994 йилда Иордания ва Исроил ўртасида тинчлик шартномаси имзоланади.

**Иқтисод:** Иордания – аграр давлат. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган талабнинг фақат 25%ни қоплайди. Йилкичилик ривожланган бўлиб, туя, қўй ва қўзи етиштириш кенг йўлга қўйилган. Фосфатни қазиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган. Текстиль ва қогоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

**Савдо ҳамкорлари:** Ҳиндистон, САП, Ироқ, Германия, Италия, Буюк Британия, АҚШ, Япония.

**Ташқи сиёсат:** Иордания БМТ, ХВЖ ва АДЛ каби ташкилотларнинг аъзоси. Иордания араб давлатлари билан муносабатларга алоҳида эътибор қаратиб келади. 1990-1991 йилларда САП ва Форс кўрфаза давлатлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш Иорданиядаги иқтисодий барқарорликни сақлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланар эди. Сабаби мазкур давлатлар қўшимча ишчи ўринлар билан таъминлаш қатори, мамлакатга молиявий ёрдам кўрсатар эди. 1988 йилда Иорданиянинг ташаббуси билан



Миср, Иордания, Ироқ ва Яман аъзолигидаги араб ҳамкорлиги Кенгаши тузилади. Иордания ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири Араб-Исроил можаросини ҳал этишга қаратилган.

## 2.4. Ироқнинг халқаро майдондаги ўрни

**Умумий маълумотлар:**

**Ҳудуди:** 444 минг км<sup>2</sup>.

**Аҳолиси:** 23,2 млн киши.

**Пойтахти:** Боғдод.

**Йирик шаҳарлари:** Боғдод, Мосул.

**Давлат тили:** араб тили.

**Расмий тили:** курд, ассирийский, арман тиллари.

**ЯММ:** саноатда 22%, қишлоқ хўжалигида 35%.

**Экспорт:** хом нефть, тери, хурмо, қуритилган мевалар.

**Импорт:** огир машинасозлик ва мудофаа саноати маҳсулотлари, транспорт қурилмалари, темир, мис, бирламчи истеъмол маҳсулотлари, дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Миллий пул бирлиги:** Ироқ динари

**Миллий байрамлари:** 14 июль – Республика куни, 17 июль – Бааснинг ҳокимият тепасига келиш куни, 1 май – Меҳнаткашлар куни, 6 январь – Армия куни.

**Чегара:** шимолда Арманистон, Озарбайжон, Туркманистон билан, шарқда Покистон ва Афғонистон билан, ғарбда эса Туркия ва Эрон билан чегарадош. Шимолда Каспий, жанубда эса Форс кўрфази жойлашган.

**Ҳарбий салоҳият:** Ироқ армиясининг сони 430минг кишини ташкил этган бўлиб, шундан Республика гвардияси-80минг кишини, заҳирадаги кўшин сони эса 650минг кишини ташкил этган. Ироқ армияси 2200 та танк, 350 та ҳарбий самолёт, 500та вертолёт, 2400 та артиллерия қуроллари ва 4400 та бронмашинага эга.

**Этник таркиби:** ироқликлар (Ироқ араблари), курдлар.

**Дини:** аҳолининг 94% мусулмонлар, қолган қисми христианлардан иборат.

**Давлат раҳбари:** Президент. Давлат ҳокимиятининг юқори турувчи органи - (2003 йилда АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳарбий операцияси натижасида) вақтинчалик ҳокимият.

**Ҳукумат раҳбари:** Бош вазир. Давлат ҳокимиятининг юқори турувчи органи - (2003 йилда АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳарбий операцияси натижасида) вақтинчалик ҳокимият.

**Бошқарув шакли:** Республика.

**Сиёсий тузуми:** Миллий мажлис

**Ижроия ҳокимияти:** Вазирлар кенгаши.

**Қонунчилик органлари:** Президент, Революцион бошқарув кенгаши (РБК), Миллий мажлис. Миллий мажлис депутатлари сони 250 та бўлиб, шундан 30 нафари президент томонидан тайинланади. Миллий мажлиснинг ваколат муддати 4 йил.

**Партиявий тизими:** Ироқ коммунистик партияси, Арабларнинг социалистик уйғониш партияси (Баас) ва 1946 йилда ташкил этилган Курдистон демократик партияси.

**Халқаро ҳамкорлик даражаси:** Ироқ – ОПЕК, БМТ, Араб ҳамкорлиги кенгаши ва АДЛга аъзо.

**Сиёсий партиялар:** Ироқ коммунистик партияси, Арабларнинг социалистик уйғониш партияси (Баас) ва 1946 йилда ташкил этилган Курдистон демократик партияси.

Сиёсий етакчилар (1970й.): Садам Хусайн, Нури ал-Малик(?).

**Сиёсий тарихи:** 1990 йилнинг август ойида Ироқ Қувайтга қарши уруш эълон қилади. 1991 йилда АҚШ бошчилигидаги кўп миллатли қуроли кучлар томонидан мағлубиятга учратилиши натижасида Қувайт ҳудудини тарк этишга мажбур бўлади. Шундан сўнг, Ироққа нисбатан савдо-иқтисодий санкциялар қўлланилади, қуруқлик, сув ва денгизда блокадалар ўрнатилади.

Натижада Ироққа кучли талофат етказилади. 2003 йилнинг ёзида Ироқ Буёк Британия ва АҚШ кўшинлари томонидан ишғол этилиб, Садам Хусайн режими ағдарилади. Айна пайтда Ироқ вақтинчалик ҳокимият томонидан идора этилмоқда.

**Иқтисод:** Ироқ – аграр давлат. Иқтисодиётнинг асосини нефть саноати ташкил этади. Нефть, газ, фосфат ва мармар кабилар казиб чиқарилади. Нефтни қайта ишловчи, цемент, текстиль, тери, оёқ кийим ва озиқ-овқат (шакар, табак) саноати йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, авто қисмловчи, кимёвий-фармацевтика, электротехника ва шишасозлик заводлари фаолият юритади. 2003 йилги уруш натижасида саноат корхоналари деярли фаолият юритмайди. Хурмо етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринларидан бирини эгаллайди.

**Савдо ҳамкорлари:** Иордания, Германия, Италия.

**Ташқи сиёсат:** 1970-1980 йилларда Ироқ кўплаб араб давлатлари, хусусан Саудия Арабистони билан муносабатларни яхшилашга алоҳида эътибор қарата бошлади. 1988 йилда Ироқ Ливаннинг ҳарбий кучларига Сурияга қарши курашда кўмаклашган. 1990 йилда Қувайтга қарши амалга оширилган ҳарбий ҳаракат натижасида Ироқ савдосига нисбатан эмбарго эълон қилинган. Ҳозирда Ироқ – ОПЕК, БМТ, Араб ҳамкорлиги кенгаши ва АДЛ каби нуфузли ташкилотларга аъзо.

## ХУЛОСА

Охирги бир-неча йиллар давомида ислом ва сиёсат, ислом ва демократия, исломнинг замонавий мусулмон мамлакатларининг сиёсий тизимидаги ўрни ва бошқа шунга ўхшаган ислом ақидасининг замонавий мусулмон мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётлари билан боғлиқ бўлган масалалари ўз ечимини топиши зарур бўлган ва тадқиқ этилишини талаб қилган энг долзарб мавзулардан бирига айланди.

Ислом омилининг мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётларига ҳамда давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсири кучайгани нафақат мусулмон олами балки Европа, Шимолий Америка ва Осиё қитъаларида сезилмоқда.

Дин ва сиёсат муносабатлари маданиятлараро, маданий, ижтимоий ва иқтисодий масалалари ҳамда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан улар асосий жараёнларни, айниқса ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиши катта эътибор билан тадқиқ этилиш ниҳоятда муҳим деб ҳисобланади. Хусусан, демократиялаштириш ва ислохотлар, ўз давлатчилигининг сиёсий тузулмаларини яратиш йўлига тушган мамлакатлар алоҳида эътиборга эга.

Ҳозирги замонда мусулмон аҳолиси асосий бўлган барча мамлакатлар давлатнинг бирдамлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдидлар солувчи диний-сиёсий ташкилот ва гуруҳлар билан тўқнашиб келмоқда. Баъзи араб-мусулмон мамлакатларда сиёсий жараёнларга диний-сиёсий тус берувчи кучлар аралашиб, ислом динини мафкуравий қурол сифатида конституцион давлатга қарши ёки мамлакатнинг сиёсий тузимини ағдариш ниятида чиқмоқда. Бу жараёнлар диний ташкилоларнинг фаолияти давлат ва жамият ҳаётига хусусан араб мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётига хусусан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, айниқса Мисрда, катта таъсирга эга бўлган.

Айнан Мисрда ислом сиёсий назарияси биринчи маротаба шаклланиб ўзининг мафкуравий ва амалий асосини топган. Шу жумладан, радикал оқим

ҳам. Мисрлик бўлган Ҳасан ал-Банна, Саййид Қутб, Солиҳ Сиррийа, Шукри Мустафо, Абд ас-Салам Фараг каби мафкурачилар исломийлик ғоясини ва унинг қатор асосий фикраларини шакллантиришган ва ривожлантиришган, шу жумладан ислом «модернизм» ва «реформизм» ҳамда ўтарадикал «жиҳод» назарияси.

Шундай қилиб, Етакчи араб-мусулмон мутафаккирлари келтирган далилларга кўра, “ислом тизими” сиёсий характерга эга. Ислом келтирган барча нарса эса, жумладан эътиқод, урф-одатлар, ижтимоий вазифалар, қоидалар ва жазо чоралари – ғоятда диний қонун, гарчи унда бир қанча “фуқаролик имтиёзлари” мавжуд бўлса ҳам. Халифаликнинг тарихий тажрибасини танқид қилиб, ‘Али ‘Абд ар-Розиқ мусулмонларни ушбу институт мусулмон мамлакатларидаги тараққиётга ҳалақит бериб, фикрлаш эркинлигига қарши кураш қуролига айланганлигини тушунишга ундайди. Шунинг учун ҳам улар динни давлат бошқаруви шакллариини белгилаш, ва бундан ташқари, дунёвий ижтимоий-сиёсий тузумнинг янги, замонавий концепцияларини ўзлаштиришга тўсқинлик қилиш ҳуқуқларидан маҳрум қилади.

Араб мусулмон дунёсида демократия ўрнатилишининг муаммоли жиҳатнинг бир томони шундаки, бу давлатларнинг халқаро ташкилотлар доирасида бирликнинг йўқлигидир. Масалан, кўплаб араб мусулмон давлатларини бирлаштирган **Араб Давлатлари Лигасида** ягона фикрлилик мавжуд эмас. **Аъзоларнинг бир қисми ғарблашган, бошқалари коммунистик ғояларга асосланган бўлса, учинчилар нейтралитетга эга.** Арабларнинг 1967 йилги Араб-Исроил урушидаги маглубиятидан сўнг, Лига аъзолари музокаралар столи атрофида Исроил билан можарони ҳал этиш борасидаги масала юзасидан муайян тўхташга кела олмаганликлари боис, ўзаро бўлиниб кетдилар. 1970 йил августида ўтказилган тинчлик музокаралари олдидан Миср ва Иордания томонидан АҚШ кўмагида уруш ҳаракатларига чек қўйиш тўғрисидаги битимнинг тайёрланиши Жазоир, Ироқ ва ФОТнинг норозилигига сабаб бўлди. Суриянинг Иордания (1970

йил) ва Ливандаги (1975 йил) фуқаролик урушларига аралашуви, томонлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлди. Иорданиянинг Исроил томонидан босиб олинган Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоқлари билан федерация тузиш тўғрисидаги 1972 йилги таклифи қолган араб давлатлари томонидан Исроил билан тил бириктирганлик сифатида эътироф этилди. 1977 йилда Исроилнинг суверен давлат сифатида де-факто тан олиниши, кескин норозиликларга сабаб бўлди. 1979 йилги Исроил ва Миср ўртасидаги тинчлик шартномаси имзолангач, Лиганинг кўплаб аъзолари Мисрга қарши санкцияларнинг қўлланилиши ҳамда унинг АДЛдаги аъзолиги тўхтатилиб, қароргоҳнинг Тунисга ўтказилиши учун овоз бердилар. 1988 йилда Мисрнинг АДЛдаги аъзолиги қайта тикланиб, 1991 йилда унинг қароргоҳи Қоҳирага қайтарилди. Навбатдаги зиддиятлар Форс кўрфазидаги уруш даврида (1990-1991 йиллар) кузатилди. Бунда Ироққа қарши коалиция (Саудия Арабистони, Миср, Сурия ва Марокаш) ҳамда ўз нейтралитетини сақлаб қолган Иордания, Яман ва Ливия ўртасидаги манфаатларнинг тўқнашуви юз берди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –429 б.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –432 б.
4. Каримов И.А.. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –432 б.
5. Ёвқочев Ш.А. “Ислом ва ҳозирги замон”. – Т.:ТИУ. 2010.
6. Елистратова Т.А. Причина победы радикального течения в египетской революции 23 июля 1952 г. // Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика). (отв.ред. Б.Г.Сейранян, А.О.Филоник). –М., ИИИ и БВ и ИВРАН, 1997.-352 с.
7. Милославская Т.Р. Деятельность “Братьев-мусульман” в странах Востока // Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока.- М.: “Наука”, 1982.-238 с.-С.8.
8. Хусейни И.М. Ал-Ихван ал-муслимун кубра ҳарака ал-исламия ал-ҳадиса. – Бейрут, 1952.
9. Воскресенский А.Д. (под ред.) “Восток – Запад: региональные подсистемы и региональные проблемы международных отношений”. М.:2002
10. Торкунов А.В. Современные Международные отношения. – М.: Россий-ская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2000.
11. [www.islom.uz](http://www.islom.uz)